ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЯНАДА РАВНАҚИ УЧУН

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ◆ 5 июль 1970 йил, якшанба ◆ № 156 (14.622). ◆ Баҳоси 2 тийин.

Қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришнинг жанговар программаси бўлган ва Пленум ишлаб чиққан янги тадбирлар республикамиз меҳнаткашлари, қишлоқ хўжалигимизнинг барча ходимлари томонидан кенг ўрганилиб, қизғин қўллаб-қувватланмоқда.

ҒАЛЛАОРОЛЛИКЛАР ҒАЛАБАСИ

САМАРҚАНД. («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). Йирик ғаллакор ҳисобланган Самарқанд областида ғалла ўриш, янчиш ва давлатга дон топшириш қизғин бораётир. Бу йил 33 минг тонна дон етиштириш ва давлат омборига камида 10 минг тонна дон тўкиш мажбуриятини олган Булунғур районининг колхоз-совхозлари маррага ҳаммадан олдин етдилар. Бугунгача район хўжаликлари йиллик ғалла тайёрлаш планини 117 процент бажардилар.

Райондаги «Октябрь», «Правда Востока» колхозлари, «Рассвет», 2-«Булунғур» совхозлари давлатга 2 план баравари да дон сотдилар.

Республикада ташаббускор бўлиб майдонга чиққан Ғаллаорол районининг деҳқонлари ҳам маррага етдилар. Район колхозлари ва совхозлари қабул пунктларига 28 минг тоннадан кўпроқ дон тўкиб, йиллик планни ошиғи билан адо этди. Уруғликка ихтисослаштирилган «1-Ғаллаорол» совхозининг коллективи юбилей йили дон сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятини ошириб бажарди.

Шунингдек, Самарқанд, Иштихон районлари ҳам йиллик маррани эгалладилар. Планини бажарган юқоридаги районлар мажбурият ҳисобига дон топширимоқдалар.

Л. ЭРГАШЕВ.

Тошкент области. Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозининг 4-бригадасида ғўза парвариши қизғин кетяпти. 100 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил нутаришга аҳд қилган бригада азаматлари ҳозиргача ғўзага тўрт марта ишлов бериб, икки марта озиқлантирдилар. Суратда: бригада бошлиғи Пўлат Тошхўжаев (ўнгда) билан звено бошлиғи Тулқин Умаралиев ғўзаларни кўздан кечирмоқдалар.

А. Тўраев фотоси.

САБЗАВОТ СЕРОБ

Оржоникидзе районидаги «Октябрь» колхозининг беполн далаларида ғарқ пишиқчилик. Барча бригадаларда сабзавот ҳаддан ташқари сероб бўлди.

Айниқса, 4 ва 8-бригадаларда иш қизғин. 4-бригада азаматлари 125 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 20 тоннадан сабзавот етиштиришга аҳд қилишган эди. Шу кунларда улар гектар бошига 21 тоннадан ошириб маҳсулот топширимоқдалар.

8-бригаданинг Карим Орипов бошлиқ звеноси 17,5 гектар майдонда мўл-кўл ҳосил етиштирди. Звено эртаги картошка тайёрлаш планини бажариш арафасида турибди. 2 гектар ердаги карам пешма-пеш йиғиштирилиб, дўконларга жўнатилиб турибди. Звено кунда меҳнаткашлар дастурхонига янги узилган помидор етказиб бераётир.

Колхоз азаматлари бу йил давлатга 8 минг 120 тонна сабзавот, 1820 тонна картошка сотиши керак. Бунинг учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Шу кунларда сабзавот топшириш янада авж олиб кетди. Бу ишда Собир Мажидов, Мастура Мақсудова, Охун Эгамбердиев ўртоқлар бошлиқ звеноларнинг қўшаётган ҳиссаси айниқса салмоқли бўлмоқда.

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИ

Неманган шаҳридаги трансформатор заводи республикамиздаги пешқадам корхоналардан. Завод коллективи беш йиллик планни муддатидан анча олдин — юбилей йилининг биринчи кварталида бажарди.

* * *

Бўстонлиқ районидаги ремонт-механика заводи юбилей йили топшириқларини тўла адо этмоқда. Коллективнинг ярим йиллик иш якуни ҳам муваффақиятли бўлди.

Марказий Комитет Пленуми деҳқончилик соҳасида барча қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш ва дон, пахта, қанд лавлаги, кунгабоқар, сабзавот, картошка ҳамда бошқа маҳсулотлар етиштиришни тўхтовсиз ўстиришни таъминлаш учунумумхалқ курашини уюштиришни энг муҳим вазифа деб ҳисоблайди.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг қароридан



ДЎСТОНА МАСЛАҲАТЛАР

ҲАР ТУП КУЧАТ ЭЪТИБОРДА БЎЛСИН

ҚАРДОШ Туркманистон пахтакорлари вакилларининг бир группаси Сирдарё областидаги Еттисой районида бўлишди. Юбилей йилининг 55 минг тонналик «оқ олтин» хирмони учун курашаётган район пахтакорларининг бугунги кундаги ишлари билан яқиндан танишдилар, қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари билан ҳам қизиқдилар.

Мухбиримиз туркманистонлик мусобақадош дўстларимизга мурожаат қилиб, бу райондан олган дастлабки таассуротлари ҳақида сўзлаб беришини илтимос қилди.

Омонберди Режетқулиев — Геоктепа район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бош агрономи:

—Биз «Заря коммунизма» колхозида бўлдик. Колхозчилар 4 минг тонна пахта учун курашмоқдалар. Ғўзалари анча сийрак. Зўр бериб ишлаш талаб қилинади. Суғориш ҳам кечикмоқда. Ниҳолларни кондириб суғориш яхши ташкил этилмаган. Масалан, Борибой Валиев бошлиқ бригадада ғўзалар қўллатиб суғорилярпти.

Ленин номли совхознинг кўпгина бригадаларидаги ҳозирги ишлар бизни қувонтирди. Александра Кузнецова бошлиқ бригада далаларида ғўзалар яхши ривожланмоқда. Текис шоналяпти ва гуллаяпти. 14 киши 160 гектар майдонда пахта етиштиряпти.

Уринбосар Қайназаров бошлиқ бригадада эса аҳвол бутунлай бошқача. Ғўза сийрак бўлишига қарамай ишлов бериш, суғориш ҳам кўнгилдагидек олиб борилмаётир. Культивация сифати паст. Ишчи органлари нотўғри ўрнатилган. Эгатни 40 сантиметр чуқурликда ҳайдаш ўрнига 30 сантиметрдан ошириб ташлаётирлар.

Г. Аслонов — Ашхобод районидаги 9- «Ашхобод комиссарлари» совхозининг бош инженери:

— Еттисойликларда бу йил кўчат анча сийрак бўлибди. Гектарига ўрта ҳисобда 60-65 минг тун кўчат тўғри келади. Шуниси қувонарлики, хўжаликларнинг далаларида ёввойи ўт деярли йўқ. Лекин суғориш масаласида оксаяптилар. Район бўйича ҳали биринчи суғориш тугалланмаган. Минерал ўғитлардан тежаб-тергаб фойдаланишга етарли эътибор беришмаяпти. Ўғитлар йўлларда, пайкаллар четида сочилиб ётибди. Бу нарса айниқса «Красная звезда» совхозида кўзга ташланди.

Еттисойликлар мусобақадош туркманистонлик дўстларига қимматли маслаҳатлари учун миннатдорчилик билдирдилар ва улар кўрсатган камчиликларни тезда бартараф этишга сўз бердилар.

Туркманистон пахтакорларининг вакиллари областнинг Жиззах, Пахтакор, Боёвут, Янгиер районларида ҳам бўлишди. Улар текширишни давом эттирмоқдалар.

Т. ЖАМОЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

БАРЧА ИМКОНИЯТЛАР ИШГА СОЛИНСИН

ТУРТКУЛ район пахтакорлари беш йилликнинг сўнгги йилида она Ватанга камида 63 минг тонна «оқ олтин»и етказиб бериш ва ҳосилдорликни 37 центнерга кўтариш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилишган. Район пахтакорлари бакорнинг нокулай келишига, сув танқислигига қарамасдан тўла гектарлар бўлишини таъминладилар. Культивация, озиқлантириш, суғориш ишлари бир-бири билан қўшиб олиб борилмоқда. Колхоз, совхозларда, бўлим ва бригадаларда экинга «шарбат» оқизиш яхши ташкил қилинган.

Лекин, ғўза парвариши ҳамма хўжаликларда ҳам яхши ва сифатли боряпти, деб бўлмайди. Баъзи хўжаликларда агротехника қоидалари бузилмоқда, ғўза қатор оралари сифатсиз культивация қилинмоқда. Культиваторларнинг иш органлари яхши ўрнатилмаган.

Айниқса бу камчиликлар «Киркқиз» совхозида, «Совет Ўзбекистони», «Победа», «Ленин йўли» ва бошқа колхозларда содир бўлмоқда. Узаро текшириш группаси аъзолари ана шу хўжаликларда бўлиб, ғўза парваришидаги хато ва камчиликларни кўрсатиб ўтдилар ва дўстона маслаҳат бердилар.

— Ғўза парваришида йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг олди олинса, тўрткўлликлар 63 минг тонна эмас, балки ундан ҳам кўпроқ «оқ олтин» етиштириш учун барча имкониятларга эга, дейишди туркманистонлик мусобақадошлар.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТОЖИК ПАХТАКОРЛАРИ СУРХОНДАРЁДА

Қардош мусобақадошлар дастлабки куниёқ Сурхондарё районидаги «Янги рўзғор» колхози пахтакорларининг ишини кўздан кечирдилар. Улар йил сайин юқори ҳосил етиштириб келаётган бу колхознинг А. Сайриддинов, Х. Саидов, Й. Салимов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ёппасига гуллаб ҳосил тугунчалари олибошлаган ғўзаларни кўриб қувондилар.

Шу билан бир қаторда К. Омонов, А. Тохиров, Б. Йўлдошев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ғўза парваришида агротехника қоидалари кўпол равишда бузилаётганлиги аниқланди.

Айрим бригадаларда минерал ўғитлардан тупроқ картограммасига амал қилмаган ҳолда фойдаланилмоқда. Азот ва суперфосфат керагидан икки-уч баравар кўп солинмоқда. Натижада ғўзалар ғовлаб кетиб, ҳосил тугмаган. Кўпчилик бригадаларда эса ғўза уст-устига суғорилиб, қатор ораларига ишлов берилмаганлиги сабабли ўт босиб нимжон бўлиб қолган. Ғўза қатор ораларини 30 сантиметр ўрнига 20-22 сантиметр кенгликда культивация қилиш деярли ҳамма бригадаларда одат тусига кирганлиги меҳмонларни каттик ранжитди.

Тожикистонлик қардош пахтакорлар янги рўзғорликлар ишидаги нуқсонларни тузатишга амалий ёрдам бердилар. Улар ўзларининг бой тажрибаларини ўрток ташиш техникадан унумли фойдаланиш, агрегатларни ўрнида ишлатиш, суғдан тўғри фойдаланишда қимматли маслаҳатлар бердилар.

А. ХАЛИЛОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ВАТАН ШАРАФЛАМОҚДА

КАТТА КРЕМЛЬ САРОЙИДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

Москва 3 июлда «Союз-9» кемасида космосга жуда муҳим рейс қатнашчиларини Ватанимиз номидан қизғин ва самимий табриклади. Бу —узоқ вақт парвоз қилиш соҳасида қўйилган рекорд эди. Бутун дунё ўн саккиз кун мобайнида ана шу парвозни ғоят зўр эътибор ва иштиёқ билан кузатиб турди.

Кремлда ўтказилган қабул маросими космонавтлардан А. Г. Николаев ва В. И. Севастьяновга нисбатан умумхалқ меҳр-муҳаббатини, уларнинг жасоратидан ифтихор туйғуларини, парвознинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаган олимлар, конструкторлар, инженерлар, техниклар ва ишчиларнинг буюк хизматидан миннатдорчилик туйғуларини ифода этди. Қабул маросимини КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети уюштирди. Катта Кремль саройининг нурафшон Георгиев залига КПСС Марказий Комитетининг ҳали яқиндагина тамом бўлган Пленумида қатнашган КПСС Марказий Комитети аъзолари, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзолари тўпланишди. Бу ерда министрлар, марказий муассасаларнинг раҳбарлари, пойтахт жамоатчилиги ва меҳнаткашлари вакиллари, ҳарбий бошлиқлар, СССРнинг космонавт учувчилари, фан ва маданият арбоблари бор эди. Уларнинг ҳаммаси космоснинг жасур қаҳрамонларини шарафлайди.



Катта Кремль саройидаги тантанали қабул маросимида.

А. Устинов фотоси.

Янги мукаммал космик техникани вужудга келтирётганлар ҳам Кремлга келишди. Улар планеталараро станцияларимизни, йўлдошларимизни ва бошқариладиган кемаларни парвоз қилдирган қудратли ракеталарнинг бунёдкорларидир. Улар қаҳрамон экипаж билан биргаликда қонуний ифтихор туйғулари билан: «Партия, Ватан ва халқнинг топшириғи муваффақиятли бажарилди!» деб айта оладилар. Коинотни ўзлаштириш йилномасига номлари ёзилган космонавтлар ҳам ўз дўстларининг қувончини баҳам кўрмоқдалар.

Катта Кремль саройи чинакам умумхалқ байрами тусини олди.

Соат 18. Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, П. Е. Шелест, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Д. А. Кунаев, П. М. Машеров, В. П. Мжаванадзе, Ш. Р. Рашидов, Д. Ф. Устинов, В. В. Шчербицкий, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев ўртоқлар залга кириб келдилар. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳуку-

(Давоми иккинчи бетда).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ, СССР КОСМОНАВТ УЧУВЧИСИ ЎРТОҚ А. Г. НИКОЛАЕВНИ ИККИНЧИ «ОЛТИН ЮЛДУЗ» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Союз-9» космик кемасида орбита бўйлаб узоқ вақт муваффақиятли парвоз қилганлиги ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт учувчиси Ўртоқ Андриян Григорьевич **Николаев иккинчи «Олтин Юлдуз» медали** билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1970 йил, 3 июль.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ В. И. СЕВАСТЬЯНОВГА «СССР КОСМОНАВТ УЧУВЧИСИ» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Союз-9» кемасида космосга парвоз қилганлиги учун Совет Иттифоқи граждани Ўртоқ Виталий Иванович **Севастьяновга «СССР космонавт учувчиси»** унвони берилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1970 йил, 3 июль.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

КОСМОНАВТ УЧУВЧИ ЎРТОҚ В. И. СЕВАСТЬЯНОВГА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Союз-9» космик кемасида орбита бўйлаб узоқ муддат муваффақиятли парвоз қилганлиги ва бунда мардлик, қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун космонавт учувчи Ўртоқ Виталий Иванович **Севастьяновга Совет Иттифоқи Қаҳрамони** унвони берилсин, **Ленин** ордени билан, **«Олтин Юлдуз»** медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1970 йил, 3 июль.

МОНТАЖЧИЛАР ШИЖОАТИ

В. И. Ленин номидаги Бекобод металлургия заводи, «Қизил тонг» тикувчилик фирмаси, Чирчиқ электрохимия комбинати ҳамда қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати коллективларининг ташаббуси изидан.

«Ўзсантехгазмонтаж» ихтисослаштирилган трести ишчи, инженер-техник ходимлари юбилей йилида ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар олиб, шижоаткорона меҳнат қилишяпти. Трестимиз коллективи химия, машинасозлик, енгил, озиқ-овқат, пахта тозалаш, гўшт-сут, металлургия саноати ва халқ хўжалигининг бошқа бир қанча тармоқлари бўйича қурилган ва қурилаётган корхоналар бунёдкорлигида ғайрат кўрсатаётирлар.

Олмалиқда энг қисқа муддатда қуриб фойдаланишга топширилган йилига 1 миллион тонна аммофос ўғити ишлаб чиқарувчи химия заводи доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунинг қутлуғ юз йиллигига арзигулик туҳфа бўлди. Қурувчиларимиз бу улкан корхонани бунёд этишда иштирок этишар экан, ўзларига белгиланган топшириқларни 2,5-3 баравар ошириб адо этдилар. Чирчиқ «Ғунча» тикувчилик фабрикаси, Қаршидаги гўшт комбинати, Чирчиқдаги электрохимия комбинатининг қўшимча қувватлари, Олмалиқдаги кон-металлургия комбинати ҳузурида бунёд этилаётган рух заводи корпуслари, шунингдек, республикамизнинг турли ерларида барпо этилган пахта тозалаш саноати корхоналари қурилишида ҳам азамат коллективимизнинг кўп меҳнати сингган.

Сирдарёда республикамизда энг йирик нур манбаи барпо этиляпти. ГРЭС қурувчиларига маданий-маиший шароит яратиш ҳамда бунёдкорлик юмушларини кўнгилдагидек йўлга қўйишни таъминлаш учун қурилиш объектига биринчи навбатда газ қувурлари олиб келинади. Ҳозир нур манбаи бунёдкорлари учун қурилган уйжой бинолари ҳамда қурилиш объекти «Зангори олов» билан таъминланди.

Монтажчиларимиз зиммаларига олган қурилиш топшириқларини шараф билан бажаришни ўзларининг муқаддас бурчлари деб биладилар. Юбилей йилининг тўрт ойлик плани муддатидан 15 кун илгари ортириб адо этилди. 5560 минг ўрнига 5575 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Доҳий туғилган кун — 22 апрелда трестимиз ишчилари кўпчилик саноат корхоналарининг меҳнаткашлари қатори шанбаликка чиқиб, тежалган вақт ҳисобига 120 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини битказдилар.

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети В. И. Ленин номидаги Бекобод металлургия заводи, «Қизил тонг» тикувчилик фирмаси, Чирчиқ электрохимия комбинати ҳамда қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати коллективларининг бошқармаларининг коллективлари бу ташаббусни биринчилар қатори меҳнатда яхши кўрсаткичлар билан кутиб олдилар. Ишчиларнинг йиғинларида ватанпарварлик ташаббусига жавобан юбилей йилида оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилинди. Бу янги режаларда бажариладиган қурилиш-монтаж ишларининг ҳажмини янада ошириш, бинокорлик материаллари ва вақтдан тежаб-тергаб фойдаланиш, янги техника ва илғор технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиб бориш йўли билан меҳнат унумдорлигини янада ошириш кўзда тутилди. Трестимиз коллективининг бутун куч-ғайрати мана шу оширилган мажбуриятларни шараф билан ошириб адо этишга қаратилган.

Ш. ҲАМИДОВ,
Эркин посёлкасидаги механизациялашган кўчма колоннанинг слесарь-сантехниги.

В. ГРОМНИЦКИЙ,
Чирчиқ участкасининг бошлиғи.

З. СОДИҚОВ,
трест бошқарувчиси.

Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасининг қўли гул ишчилари ажойиб меҳнат самаралари билан халқимиз дилини хушнуд этмоқдалар. Суратда: фабриканинг илғор ишчиларидан (чапдан ўнгга) В. Паловникова, Қ. Оқилов ва М. Икромова ўларни кўриб турибсиз. Улар смена топшириқларини 130-140 процент қилиб адо этмоқдалар.

А. Тўраев фотоси.

* *

Навоий химия комбинати 3-навбатининг технологик қурилмалари муваффақиятли синаб кўрилди. Суратда: контроль ўлчов асбоблари бўлимининг илғор ишчиси Г. Музика.

В. Сироткин фотоси.

ВАТАН ШАРАФЛАМОҚДА

(Боши биринчи бетда).

матининг таклифига биноан мамлакатимизда дўстона визит билан меҳмон бўлиб турган Бирлашган Араб Республикаси Президенти ва Бош министри, Араб Социалистик иттифоқининг Раиси Жамол Абдил Носир, Араб Социалистик Иттифоқи Олий ижроия комитетининг аъзоси Али Сабрий Бирлашган Араб Республикаси Президентига ҳамроҳ бўлган расмий кишилар ҳам улар билан бирга келишди.

Қабул маросимининг қатнашчилари Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарларини самимий кутиб олдилар.

Глинканинг «Шараф тоғ!» куйи садолари бутун залда янграйди. А. Г. Николаев ва В. И. Севастьяновни гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар. Улар партия ва ҳукумат раҳбарлари ҳузурига келишади. Кема командирининг Ватан топшириғи муваффақиятли бажарилганлиги ҳақидаги, космонавтлар янги топшириқларни бажаришга тайёр эканликлари тўғрисидаги сўзлари жаранглаб эшитилади.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари космик фазони ўзлаштириш тарихида янги саҳифа очган ва космик даврга асос қўйган Совет Иттифоқининг шон-шуҳратини янада оширган қаҳрамон экипажни самимий табриклайдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев шу ерда ҳозир бўлган кишиларга қарата нутқ сўзлайди.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, бу ажойиб космик бригаданинг ижодий тафаккури, моҳир қўллари, ҳормай-толмай қиладиган меҳнати янги совет кемаларининг само қўйнига чиқишини, жасур совет космонавтларининг янги-янги жасоратларини, фан ва халқ хўжалигининг манфаатларини кўзлаб космосда янги-янги кашфиётлар қилиниши, тинчлик мақсадларидаги янги-янги зафарларга эришилишини таъминлайди.

— «Союз-9» космик кемасининг шонли экипажи — Ватаннинг топшириқларини муваффақиятли бажо келтирган ва муносиб юксак мукофотлар билан тақдирланган Николаев ва Севастьянов ўртоқлар учун:

— Ватанимизнинг мард фарзандлари — барча совет космонавтлари учун:

— Космосни забт этувчиларнинг ердаги армияси — совет олимлари, конструкторлари учун, инженер-техниклар, ишчилар учун, уларнинг Ватанга ва бутун инсониятга муҳим катта ишлари учун:

— Коммунизм қурилишининг барча участкаларида совет халқининг янги-янги ғалабалари учун қадаҳ кўтаришни таклиф қилишимга рухсат бергайсиз!

Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқи зўр эътибор билан тингланди ва бир неча бор давомли гулдурос қарсаклар билан бўлиниб турди.

* * *

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний СССР Олий Совети Президиумининг космонавтларни мукофотлаш тўғрисидаги Фармонларини ўқиб беради.

— Азиз ўртоқлар, — деди Н. В. Подгорний, — Совет давлатининг олий мукофотини топширар эканмиз, шу ерда ҳозир бўлган кишилар номидан, барча совет кишилари номидан А. Г. Николаев ва Севастьянов ўртоқларни ўзларининг қаҳрамонлиги ва фидокорона меҳнатига ҳақли суратда юксак баҳо берилганлиги билан самимий муборакбод қилишга, улуғ Ватанимиз шон-шуҳрати йўлида янги зафар ва муваффақиятлар, баҳодирона сиҳат-саломатлик тилашга, уларга ва уларнинг оилаларига шахсан бахт-саодат тилашга ижозат бергайсиз!

Тўлқинлантирувчи пайт келди. Н. В. Подгорний А. Г. Николаевга иккинчи «Олтин Юлдуз» медалини, В. И. Севастьяновга эса Ленин ордени, «Олтин Юлдуз» медалини ва кўкракка тақиладиган «СССР космонавт-учувчиси» белгисини топширади.

Мажлис аҳли гулдурос қарсак чалади. Партия, ҳукумат раҳбарлари икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. Г. Николаев ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. И. Севастьянов билан астойдил қўл қисиб кўришадилар, уларни чин кўнгилдан қутлайдилар. Партия ва ҳукумат раҳбарлари уларнинг социалистик Ватанимиз шон-шуҳрати йўлида янгидан-янги зафарларга эришувларини тилайдилар.

Космонавтларнинг ҳар бири Совет Иттифоқига хизмат қиламан, деб хитоб қиладилар.

А. Г. Николаев «Союз-9» кемасида космоса қилинган кўп кунлик парвозни амалга оширишда ўзига ва Севастьяновга кўрсатган ишончлари учун Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва СССР Министрлар Советига самимий ташаккур изҳор қилади.

Биз, деди кема командири. Леонид Ильич Брежнев билан Николай Викторович Подгорнийнинг космонавтлар шаънига ҳозиргина айтган самимий сўзларидан ва парвозимизга юксак баҳо берганликларидан бениҳоя хурсандмиз. Бугун биз ҳукуматнинг юксак мукофотларини олишга сазовор бўлдик. Бунинг учун чин қалбимиздан катта раҳмат деймиз.

Кўп кунлик парвозимиз муваффақиятли тугалланди. «Союз-9» экипажи илмий-техникавий ва медицина-биологик тадқиқотлар ҳамда экспериментлар кенг программасини тўла бажарди, узоқ учиш шароитида янги аппаратлар ва янги системаларни синаб кўрди. Кемадаги аппаратлар ва барча системалар пухта ишлаб турди. «Союз» кемаси ўзининг юқсак сифатларини яна намойиш қилди. «Союз» кемаларини яратган олимлар, конструкторлар, инженерлар, техниклар ва ишчиларга космонавтлар номидан қизғин ташаккур айтамиз.

Бизнинг парвозимиз Ленин юбилейи йилида амалга оширилганлигидан бахтиёрмиз. Космосга қилган парвозимизда партиянинг ҳукуматнинг ва бутун совет халқининг зўр эътибор ва ғамхўрлигини доим сезиб турдик ва ана шу масъулиятли топшириқни иложи борича яхши бажаришга интилдик.

А. Г. Николаев космонавт ўртоқлари номидан ишонтириб айтдики, биз Ленин партияси ва Совет ҳукуматининг космик фазони бундан буён ҳам ўзлаштириш ҳақидаги янги топшириқларини шараф билан бажармоқ учун куч-ғайратимизни аямаймиз.

В. И. Севастьянов катта ишонч билдирганликлари, космосга қилинган узоқ муддатли рейс қатнашчиларининг меҳнатларига юксак баҳо берганлиги учун партия ленинчи Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва Совет ҳукуматига ташаккур изҳор қилиб, қуйидагиларни айтди:

— Бизнинг парвозимизни ҳақли суратда иш билан ўтадиган парвоз деб атадилар. Бу парвознинг программаси ҳақиқатан ҳам кенг, ғоят мароқли ва чуқур мазмунли бўлди. Парвоз давомида халқ хўжалиги учун муҳим бўлган кўпгина техникавий ва илмий тадқиқотлар ўтказилди. Космосга қилинган узоқ муддатли парвоз вақтида «Союз-9» кемасини комплекс текшириш ва унинг ичидаги системаларни синаб кўриш бизнинг олдимизга қўйилган вазифаларнинг бири эди.

Борт инженер бошқа хилдаги тадқиқотлар ҳақида гапирди ва олинган ҳамма маълумотларни ишлаб чиқиш учун кўп вақт талаб этилади, деб таъкидлади.

СССР Олий Советига ўтказилган сайлов, деди В. И. Севастьянов, халқимизнинг ҳаётида катта воқеа бўлди. Сайлов куни космосда биз учун ҳам байрам бўлди. Биз кемадан юборган телеграммамизда қаҳрамон совет халқи билан биргаликда коммунистлар билан партиясизлар мустаҳкам блоки учун, социалистик Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши учун, жонажон Коммунистик партия учун, коммунизм учун қувона-қувона овоз беришимизни фахрланиб маълум қилдик.

Космонавтларнинг нутқлари қарсаклар билан кутиб олинди.

Қабул маросимининг қатнашчилари, чет эл дипломатлари, чет эллик меҳмонлар А. Г. Николаев билан В. Н. Севастьянов ҳузурига келишиб, уларнинг қаҳрамонлиги ва мардлигига қойил қолганликларини изҳор қиладилар. Ҳамма «Союз-9» экипажининг аъзоларини юксак мукофотлар билан муборакбод этади.

(ТАСС).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИ

Азиз ўртоқлар!

Бугун биз «Союз-9» космик кемасининг қаҳрамон экипажи — кема командири, таниқли космонавт учувчи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, полковник Андриян Григорьевич Николаев билан борт инженер техника-фанлари кандидати Виталий Иванович Севастьяновни қизғин қутлагани бугун йиғилдик.

Жасур қаҳрамонларни машҳур космик рейс муваффақиятли тамомланганлиги билан сидқидилдан табриклаймиз. Улар шу рейс чоғида Еримиз теварагидан 286 марта айланиб чиқдилар!

Одамлардан ҳеч қачон ҳали ҳеч ким Николаев ва Севастьянов ўртоқлар сингари космоса бунчалик узоқ муддат бўлмаганди. Бу рейс кема барча системаларининггина эмас, шу билан бирга, даставвал, космонавтларнинг бардош бериши ва ишчанлигини ҳам имтиҳондан ўтказди. Зўр мамнуният билан шуни қайд этамизки, бу имтиҳондан шараф билан ўтилди!

Жасур космонавтларнинг ҳар сафарги янги учишидан тобора шунга ишонч ҳосил қилаяпмизки, инсон космосга дадил кириб бориб, уни ўзиники қилиб олмоқда. Космосга учишлар ҳали текширилмаган дунё билан биринчи марта алоқа боғлаш романтикасидан, бу нотаниш дунёга, унинг хавф-хатарли ва таҳдидларга мардона қарши бориш — бу ишнинг ҳамма машаққатлари ва хавф-хатарларига қарамай тобора кундалик ҳаёт изига тушиб бораяпти, дейиш мумкин. Космик учишлар тобора, биринчи навбатда фан учун, кишиларнинг реал манфаатлари учун мураккаб ва масъулиятли ишга айланиб бормоқда. Шу жиҳатдан олганда, Николаев билан Севастьянов ўртоқларнинг учиши айниқса ибратли бўлди. Улар ўзларини космик океанда жасур, мард ва моҳир навигаторлар сифатидагина эмас, шу билан бирга космознинг фидокор захматкашлари сифатида ҳам намоён этдилар. Улар совет олимлари белгилаб берган катта ва мураккаб илмий-техникавий тадқиқотлар программасини космик фазода 18 кун мобайнида бажо келтирдилар. Космик фазони ўзлаштиришда янги катта қадам қўйилди, фаннинг бир қанча соҳаларини ривожлантиришга, космосда учиш техникасини такомиллаштиришга муҳим ҳисса қўшилди.

Лекин бу учишнинг асосий якуни шундан иборатки, одам космик фазода вазнсизлик шароитларида бир неча кунгина эмас, балки хафталаб бемалол яшаши ва ишлаши мумкин эканлиги амалда исбот қилинди. Андриян Григорьевич билан Виталий Иванович космосда давомати жиҳатидан рекордли учганларидан сўнг уларни соғлом, тетик ва хушчақчақ ҳолда кўриш нақадар ёқимли ва қувончлидир.

Космосда бунчалик узоқ муддат учиш унинг қатнашчиларидан катта мардлик, сабот-матонат, ўз бурчига ғоятда садоқатли бўлишни талаб қилганлиги ҳаммага равшандир. Ватанимизнинг Коммунистик партия тарбиялаб етиштирган ўғлонлари — кема командири ветеран — космонавт Ўртоқ Николаев билан борт инженери, ёш олим Ўртоқ Севастьянов ана шу фазилатларни тўла-тўкис намоён қилдилар.

Ўртоқлар, сизга шуни зўр хурсандчилик билан маълум қиламанки, СССР Олий Советининг Президиуми «Союз-9» кемасида космик учишни амалга оширишда кўрсатган мардлиги ва қаҳрамонлиги учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт учувчиси Ўртоқ Андриян Григорьевич Николаевни иккинчи «Олтин юлдуз» медали билан мукофотлади. Унга авиация генерал-майори деган ҳарбий унвон ҳам берилди. Ўртоқ Виталий Иванович Севастьяновга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони ҳамда СССРнинг космонавт учувчиси унвони берилиб, Ленин ордени ва «Олтин юлдуз» медали топширилди.

Партия Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг топшириғига биноан, космонавт қаҳрамонларни партия ва ҳукуматнинг топшириқларини жуда яхши бажарганликлари ва муносиб юксак мукофотлар билан қизғин табриклагани рухсат этгайсиз. Уларга ватаннинг бахт-саодати учун меҳнат қилишда янгидан-янги катта муваффақиятлар тилаймиз, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилаймиз!

Ўртоқлар!

«Союз-9» кемасини яратишда, унинг учишини ва экипажнинг ишлашини таъминлашда неча минглаб кишилар қатнашдилар. Булар — машҳур олимлар, заҳмонавий техникани жуда яхши эгаллаган конструкторлар ва ишчилар, ажойиб мутахассислар, қисқаси, космонавтика фидокорларининг катта армиясидир. Бундай ҳолларда ҳар қачон бўлиб келганидек, бизнинг ўй-фикрларимиз, мамнуният ва миннатдорчилик ҳис-туйғуларимиз шуларга қаратилгандир. Уларнинг фаолияти ватаннинг, бутун совет халқининг юксак баҳосига сазовордир.

МАШАРИПОВГА АМАЛ КЕРАК...

ФЕЛЬЕТОН

Ҳар кимнинг севган нарсаси бўлади. Карим Машарипов эса мансаб курсисида ўтиришни яхши кўради. Курсининг ҳам қулайроғи, юмшоққинаси бўлса. Ҳа, унга амал керак.

Орзуга айб йўқ. Мансаб курсисига ўтириш биринчи босқич. Энг муҳими — ишончни оқлашда, масъулиятни сезишда, зиммадаги вазифани адо этишда. Машарипов-чи? Бу кишида ҳафсала тушмагур етишмас эканми, бошқа балоси борми, раҳбарликни сира ўнглай олмаяпти. Вазифани ўзгартириб ҳам кўрди, барибир бўлмади.

Биринчи мисол. Урганч район матлубот жамияти тайёрлаш конторасида директор эди. Мансаб курсисидан тушиб, қора курсига ўтирди. Тайёрланган маҳсулотни ошириб кўрсатилганлиги, қўзбўямачиликка йўл қўйганлиги учун судланди, шартли жазо олди.

Иккинчи мисол. Жазо муддати тугагач, Гурлан район колхозларароқурилиш бошқармасига бошлиқ бўлди. Эплай олмади, планларга барбод берди. Суиистеъмолларга йўл қўйди, ноҳўя ишлари область газетасида босилган фельетонда фош қилинди. Шундан кейин Гурландан жуфтакни ростлади.

Учинчи мисол. Карим Машарипов яна Урганчда пайдо бўлди. Энди у Урганч район колхозларароқурилиш бошқармасига бошлиқ бўлиб ўрнашди. Машариповнинг бу вазифада кўрсатган «фаолияти» тўғрисида муфассалроқ тўхталамиз. Гарчи, у бошқармада бошлиқ бўлиб узоқ вақт ишламаган, бу мансаб билан яқинда ҳайр-маъзур қилган бўлса ҳам, талай жиноий ишларнинг, қаллоблик ва талон-торожликнинг изи қолаяпти. Ўзи эса яна бир бошқармага бошлиқ қилиб тайинланди. Қиғир ишнинг қийиғи чиқиши турган гап. Машарипов «сувдан қуруқ чиқдим» деб турганида, область халқ контроли комитети текширишни бошлаб юборди.

Бошқарма бошлиғи Карим Машарипов, унинг шериклари — цех бошлиғи Комил Раҳмонов, прораб Норбой Машарипов бажарилган ишни ва харажатларни ошириб кўрсатиш, қурилиш материалларидан ўмариб қолиш, уни айрим шахсларга нақд пулга сотиш, шу тариқа шахсий бойлик тўплаш йўлига ўтдилар.

Биринчи факт. Бошқарма область колхоз қурилиш трести закази билан ишлаб чиқариш базаси қурди. Лойиҳасиз, муваққат иншоотлар қуришга 80 минг сўм сарфланди. Орадан кўп вақт ўтмай, базани кенгайтиришга, неча қурилган иншоотларни бутун бузишга, янгиларини қуришга киришилди. Бузилган объект-талон торож этилди. Дурадгорлик механика цехига сарф бўлган 24 куб метр ёғочнинг ярмидан кўпроғи, яъни 2700 сўмлик материал гумдон қилинди. Муваққат бетон узели ва складларни бузиб олинган 21 куб метр ёғоч ҳам йўққа чиқарилди.

Чала қурилган базани қурилиш материаллари комбинатига топшириш пайтида ортиқча харажатларни, исрофгарчиликни яшириш учун объектларнинг баланс қиймати ошириб кўрсатилди. Контроль-ўлчаш натижасида бу найранг фош қилинди. База атрофини ихота қилишга 29 минг сўм сарфланганлиги кўрсатилган, аслида эса қилинган харажат 13 минг сўмни ташкил этади. Омборлар ва устахоналар қурилишига сарфланган харажат 37 минг сўм миқдорида ошириб кўрсатилганлиги аниқланди. Бетон узели қуришга сарф қилинган 6600 сўм харажат 11 минг сўмга чиқарилган. Хуллас, 200 минг сўмлик қурилиш ишларини бажариш жараёнида 82 минг сўм маблағ кўкка совурилган. Бу пуллар ҳисобига бошлиқ ва унинг ҳамтовоқлари ҳамёни бойиб қолди. Бу битта базадаги ҳангома.

Иккинчи факт. Бошқарма колхозларда қурган объектларда область банки контроль-ўлчаш ўтказди. Қурилиш учун олинган маблағ қандай сарфланаётганлиги текширилди. 6 та объектда 30 минг сўм ошириб кўрсатилганлиги маълум бўлди. Масалан, Чапаев номли колхозда бузоқхона қуриш учун қилинган харажат 10 минг сўм, Нариманов номли колхозда 6 минг сўм ошириб ёзилган ва колхозлардан ундирилган. Кооператив маблағига зарар келтирган бу исрофгарчиликдан ҳаром томоқлар шахсий фойда кўрганликлари изоҳга муҳтож эмас.

Одатда, колхозлардаги муҳим қурилишлар чўзиб юборилишига «материал етишмаётир» деган важ-карсон кўрсатилади. Қишлоқ қурилиши фондига ажратилган материаллар эса айрим кишиларга нақд пулга сотиларган. Кейинги икки йил ичида 86 куб метр ёғоч, 20 минг дона шифер, 230 куб метр тахта, 173 тонна цемент айрим харидорларга нақд пулга сотилган. Ўлгичларга қўл келадиган бу тарика савдо-сотиқ қишлоқ қурилишига халақит берибгина қолмай, талон-торожликка йўл очди.

Ниҳоят, учинчи факт. Бошқарма Урганч районидаги Ленин номли колхозда ҳашаматли бир уй қурди. Колхоз билан тузилган шартномага кўра, бу қурилишга 7500 сўм сарфлаш кўзда тутилган эди. Унинг девори битган пайтда колхоз бошқарма счётига 4635 сўм пул ўтказди. Шундан кейинги бутун ишлар ҳам бошқарма қурувчилари томонидан бажарилди, уларга иш ҳақи тўланди, материаллар бошқарма базасидан келтирилди.

Ҳозирча шу ун факт билан чекланамиз. Хулоса шуки, Карим Машарипов колхозларароқурилиш бошқармасида хиёнат ва исрофгарчиликни авж олдирди.

Шунча қилғиликларни қилган, катта-катта маблағларни шамолга учирган, талон-торож ва исрофгарчиликни авж олдирган Карим Машарипов Урганч район колхозларароқурилиш бошқармасидан бошқа яна бир масъул вазифага ўтказилганлиги жамоатчиликни ажаблантирмоқда. Ҳали у бошқармадаги кирдикорлари учун жавоб бергани йўқ. Аммо, Хоразм область «Колхозстрой» трестининг комплектация-таъминот базасига бошлиқ қилиб тайинланди. Трест раҳбарлари наҳотки Машариповнинг қиғир ишларидан бехабар бўлсалар?!

Е. ЗЕБЕРГ,
Хоразм область халқ контроли комитетининг штатсиз инспектори.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

М. С. БУЛАТОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССР ДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН БИНОКОР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек совет архитектурасини ривожлантиришдаги хизматлари учун Ўзбекистон ССР Маданият министрлигига қарашли Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номли санъатшунослик институти ҳозирги замон архитектураси секторининг мудири Митхат Сагадатдинович Булатовга «Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган бинокор» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

1970 йил, 3 июль.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

А. С. МОРОЗОВАГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада манзарали-амалий санъатни ривожлантиришдаги хизматлари учун Ўзбекистон ССР Маданият министрлигига қарашли Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номли санъатшунослик институтининг старший илмий ходими Анна Сергеевна Морозовага «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

1970 йил, 3 июль.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

М. Б. ОҚИЛОВАГА «ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада халқ бадиий ҳаваскорлик санъатини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун Тошкент тўқимачилик комбинатининг Ю. Гагарин номидаги маданият саройи ўзбек халқ рақс ансамбли балетмейстери Маргарита Бахлуловна Оқиловага «Ўзбекистон ССР халқ артисти» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

1970 йил, 3 июль.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Н. М. ҚУЗИБОЕВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ РАССОМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада тасвирий санъатни ривожлантиришдаги катта хизматлари учун А. Н. Островский номидаги Тошкент театр-санъат институти педагоги, рассом Неъмат Мирзабоевич Қўзибоевга «Ўзбекистон халқ рассоми» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

1970 йил, 3 июль.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

У. И. ИСЛОМОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Маданият муассасаларида кўп йиллар ва самарали ишлаганлиги учун республика халқ ижоди уйининг директори Умар Исломович Исломовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

1970 йил, 3 июль.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

С. Э. ЯРОШЕВСКИЙГА «ЎЗБЕКИСТОН ССР ДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада тасвирий санъатни ривожлантиришдаги хизматлари учун Ўзбекистон ССР Бадиий фондига қарашли Тошкент «Рассом» комбинатининг директори Семён Элькунович Ярошевскийга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

1970 йил, 3 июль.
Тошкент шаҳри.

МАРОСИМЛАР, АНЪАНАЛАР ҲАҚИДА

ТЎЙЛАР ҲАҚИДА ЎЙЛАР

ЮНУС РАЖАБИЙ,

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги

Биз нақадар бахтли, тинч, фаровон ҳаёт кечирмоқдамиз. Юртимиз кундан-кун обод, гўлшан бўлиб бормоқда. Халқимиз озод, шодон, маъмур ҳаёт нашидасини сурмоқда. Кексаларимиз ўз бахтиёр турмушидан масрур, ёшларимиз янги замон нашъу намосида мағрур. Бу гўлгун ҳаёту бахтиёрлик, бу фаровонлиқу ҳушчақчақлик Улуғ Октябрнинг самарасидир. У шонли ленинчи партиямизнинг бақиёс ғамхўрликлари туфайли бунёдга келди. Улуғ Октябрга, буюк Ленинга, ғамхўр партияга чексиз миннатдорчилигимизни ҳар қанча изҳор қилсамиз ҳам кам.

Юртимиз қанчалик яшнаса, гулу чаманзорга айланса, элимиз қанчалик фаровон ҳаёт кечирса, бедавлат бўлаверса, турмушимиз ҳам кундан-кун файзли, қутбаракали, лаззатли ўтаверади. Ҳар кунимиз бир байрам, бир тўйдек қалбларимизга шод-ҳуррамлик, шуур бахш этади.

Тўқ, фаровон турмуш яхши орзу-ҳаваслари келтириб чиқарадиёр. Оилавий тантаналар, тўй маросимлари янгича шакл, янгича мазмун касб этмоқда. Эскича расм-русмлар, урф-одатлар ўрнини янгича анъаналар эгаллямоқда.

Халқимиз томонидан ардокланиб келаётган анъаналаримиздан бири—тўй қилиш, бахт байрамини нишонлашдир. Тўй—бахт байрами, ҳаёт нақши. Тўй—маъмурчилик нишонаси, ҳаду вафо риштаси. Тўй — икки ёш юракни бир-бирига маҳкам боғловчи олтин занжир. Тўй — тарбиянинг нозик ва ўз навбатида мураккаб восита қуролидир. Қисқаси, тўйлар инсон ҳаётидаги энг ҳаяжонли, энг эсда қоладиган, улуғвор ва тантанавор маросимдир.

Бу мақолада мен халқимизнинг ажойиб анъаналаридан бири бўлган тўй маросимлари ҳақида ўзимнинг айрим мулоҳазаларимни ўртага ташлаб, ҳурматли газетхонлар билан фикр алмашиш ниятидаман,

Ҳаётимиз гўзаллашиб, халкимиз тўқ, бадавлат турмуш кечира боргани сайин тўйлар ҳам кўпаймоқда. Улар янгича шакл ва янгича мазмун касб этмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда ўтаётган тўйларга бир назар ташласангиз, бу фикримизнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қиласиз. Икки ёшнинг ахду паймонига муҳр босувчи никох тўйи, оила қувончи — фарзанд туғилиши, йил тўйи, ҳовли тўйи, илмий даража олиш, институтни тугатиш ва қатор бошқа тўйлар шулар жумласидандир.

Юксак фаровонлик намунаси—ҳозирги тўйлар қайси тариқада ўтяпти, уларнинг шакли ва мазмуни қандай, уларнинг яхши ва ёмон томонлари нимада? Мен ана шу масалалар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Ҳозирги тўйларни, бир томондан ҳам чиройли, маданий, мазмунли, бир томондан эса ҳам сердабдаба, баландпарвоз ва меъёридан ташқари катта қилиняпти десак хато бўлмайди. Айрим тўйлар чиндан ҳам бахт байрами, ёшлик, гўзаллик, муҳаббат тантанаси сифатида ўтказилмоқда. Айримларини кўриб асабинг бузилади, нафратинг ортади, жирканасан, киши.

Орзу-ҳавас яхши нарса. Лекин кишилар кўпинча ҳаётдаги бойлик, маъмурчиликни енгил-елпи, беқорчи орзу-ҳаваслларга хаспўшламоқда, меъёрни билмай ортиқча дабдабаларга сарфу-харж қилишмоқда. Пешана тери ва халол меҳнат билан топилган пул беқорга кўкка совурилмоқда. Баъзи тўйлар учун қилинган ўринсиз харажатлар кишиларга ҳам моддий, ҳам маънавий зарар келтирмоқда. Айрим тўйларда янгича анъана, маданият, гўзаллик, нафосатга доғ бўлиб тушаётган эскича беўхшов расм-русмларга йўл қўйилаётганлик ҳолларига сира тоқат қилиб бўлмайди.

Яқинда шаҳримиздаги Високовольтная маҳалласида бўлиб ўтган бир тўй тафсилотини тинглаб, ғазабим қўзғади. Никоҳ тўйи экан у. Куёв томон «бир кўраётган тўйимиз» деб келинга икки тўкқиз, яъни ўн саккиз сидра кийим-бош, тўкқиз сидра пойафзал, ҳар хил матолардан тикилган беш пальто, яна аллақанча кийимлик хом материал, қимматбаҳо гарнитур, холодильник, кир ювадиган машина ва ҳоказолар билан бирга 2 минг сўм пул берибди. Қиз томон ҳам «мен сендан қоламанми» деб ундан ортиқ дабдабабозлик қилибди. Кўриниб турибдики, йигит ва қизнинг оталонлари учун фарзандларининг бахти эмас, балки бойлик биринчи ўринда турган, улар савдогарлик қилишган. Хўш, бу билан ўша «орзу-ҳавас» шайдоси бўлган қудалар нимани намойиш қилишмоқчи бўлишган? Бойликними, бошқалардан устунликними, бири-биридан кам эмасликними, манманликними, нимани?!

Менинг назаримда, «катта тўй» қилиш илгариги тўраларга, бойларга хос хислат бўлган. Улар ном чиқариш учун текиндан топилган ўғирликлар хисобига дабдабали тўйлар қилишган. Шу йўл билан обрў орттиришган, хазина тўплашган. Хулласи калом, бундайлар ҳашаматли тўйлар қилишиб, обрўни пулга сотиб олишган. Ҳозирги айрим шуҳратпарастлар ана ўшанаканги бойларга кўр-кўрона эргашаётганга ўхшайдилар. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бундай «катта тўй»лар қилиш оддий кишиларнинг қўлидан келмайди. Бундай сердабдаба тўйларни оддий меҳнат аҳлари эмас, балки айрим юлғичларгина қилишяпти. Бу эса, ҳақли равишда кўл кучи, пешана тери билан халол кун кечирувчи кишиларимиз ғазабини қўзғатмоқда. Ахир, бизнинг замонамизда совет кишилари иззат-хурматни, обрўни халол меҳнат билан, чин виждон билан қўлга киритяптилар-ку! Уларга камтарлик, софлик, виждонийлик, халоллик ҳар доим ҳамрох эмасми?! Шундай экан, серҳашам тўйлар қилиб, «ўзни кўрсатиш», манманлик билан ножўя керилиш, қўни-қўшни, маҳалла-кўй, қолаверса элу юртни ҳурмат қилмаслик «касалига» мубтало бўлган юкоридаги каби «бойбачча қудалар»нинг хатти-ҳаракатлари эл нафратига учраши, халқ ғазабини қўзғаши турган гап.

Тўйда дастурхон ёзиб стол безаш, маросимни маданий тартибли ўтказиш учун раис сайлаш, келин-куёв шаънига илик сўзлар билан бахт тилаш, ўйин-кулги қилиш катта аҳамиятга эга.

Дастурхон тузаш — ўзига хос санъат. Агар тўйларда ортиқча исрофгарчиликларга йўл қўйилмай, столга фақат ейиладиган таомлар қўйилса, хилма-хил шоколад, конфет, қанд-курслар ёйиб ташланмай, бир-икки хил ширинлик қўйилса, сўнгра ёз мева-чеваларидан бўлса, сомса-қатлама, нонлар ҳам меъёрида қўйилса — ҳам дастурхон чиройли бўлади, ҳам меҳмонлар хушнуд ўтирадилар.

Тўйни бошқариб бориш нозик масала. Раисликни олиб бориш баобрў, маданиятли, сўзга чечан одамга топширилса, шодиёна маромида ўтади. Лекин, тўй мажлиси зинхор нуткбозликка айланиб кетмаслиги керак.

Тўйни жуда қимматга туширадиган, кўпинча кўнгилсиз ҳодисаларга сабаб бўладиган нарса ичкиликдир. «Орзу-ҳавас», «бир кўраётган тўйимиз» деб дастурхонга зўр берадиган, исрофгарчиликка йўл қўядиган, турли ичимликларни ёғдириб юборадиганларни ҳам кўряпмиз. Столга мўл-кўл ичкилик қўйилгач, ичган йиқилгунча ичаверади. Ичмаганга зўрлаб берилади. Оқибатда тўй иккига бўлинади. Дам олиб, ҳордиқ чиқараётганлар бир-иккита ғохира пашша»лар, маст-аластларнинг ножўя ҳатти-ҳаракатларидан ранжийди, уларнинг беорликларидан дили оғрийди. Ширин бошланган тўй ўшанақаларнинг «карорматлари» туфайли тўполон билан тугайди.

Яқинда бир тўйда бўлдим. Никоҳ тўйи эди. Меҳмонларга шўрва билан ароқ тортилди. Йигитлар «қизишиб» олишгач, келин ҳонадонига йўл олинди. У ерда ҳам меҳмондорчилик қуюк бўлди. Яхши истаклар айтилиб, яхшигина ичилди. Яна куёвникига қайтилди. Бу ерда «асосий ўтириш» бошланди. «Келин-куёв яшасин», «Ёшлар бахтли бўлишсин», «Ували-жували бўлишиб, қўша қаришсин» каби илиқ истаклар қадах кўтаришлар билан якунланди. Меъёрини билганлар ширин ўтириб, ҳордик чиқарди, ҳурмачасига сиғмаганлар ҳунар кўрсатди. Ширин ошга пашша тушди, дилхиралик бўлди.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Никоҳ тўйларида икки ҳонадоннинг илк бор бир-бирига мустаҳкам боғлайдиган, энг эсда қоладиган, ҳаяжонли, тантанавор воқеа бу куёвларнинг келин ҳонадонига ташриф буюришидир. Тўй куни худди шу ташриф онини шундай ташкил этиш керакки, бу ўзининг тантанаворлиги, ҳаяжонлилиги билан икки томонда жуда ширин таассурот қолдирсин, Кўпинча тўйларда ана шу ҳаяжонли дамлар ортиқча бақириқ-чақириклар, томоқйиртар қийқириклар билан ўтади. Менимча икки ҳонадон дўстлигига «кўприк» солиниадиган шу ташриф дақиқалари ғоятда нозиклик, майинлик, маданий уюштирилса қандай чиройли бўлар эди.

Ҳозирги тўйларимизнинг ҳуснига доғ бўлиб тушаётган, обрўсини тўкиб, аллақандай савдо-сотик майдонига айлантириб қўяётган яна бир нарса ҳақида тўхталиб ўтиш зарур. У ҳам бўлса ашулачи, машшоқлар масаласи. Кейинги пайтларда тўйма-тўй юрадиган «отарчи» саёқ санъаткорлар кўпайиб қолди. Бўлар-бўлмас ашулаларни ўрганиб олиб, рубоб ёки торни тинғиллатиб «қани, ким пул кистираркин?» деб кўзи олмақесак териб ониш қиладиган ҳалигидай ҳонадаларга муросасозлик қилиниб келинаётганлиги ҳеч кимни ташвишга солмай қўйди. Ҳозирги кунда талантли, истеъдодли, ширали овозга эга бўлган ёш ҳонанда, созандалар сафи анча кенгайди, бу яхши. Лекин, яна бир гурух шундай ёш «санъаткорлар» ҳам борки, улар тўйларда, жамоатчилик йиғиладиган жойларда ўртага чиқиб олиб, юзсизларча хатти-ҳаракат қилишади, ўз ёшларига номуносиб, ҳозирги одоб-ахлоқ, этикага зид, бадиий суюқ, диний-мистик ғоялари нуқул «ох-вой», «ўлдим-куйдим» каби мазмундаги «қўшиқ»ларни айтишиб, тўйхонадагиларнинг чўнтагини қоқиб оладилар. Натижада тўй эгаси ҳам, меҳмонлар ҳам бор буд-шудларидан айрилиб, моддий зарар кўрадилар. Тўғри, тўйлар ўйин-кулгисиз, санъаткорларсиз ўтмайди. Лекин, мана бунака манзаралар янгича тўйларимизни безамайди, аксинча яхши анъаналаримизга соя ташлайди, рахна солади. Ёдимда, бир неча йиллардирки, мана шунака маросимларни хушчақчак ўтказиш учун санъаткорлар масаласида Узбекистон ССР Маданият министрлиги санъат ишлари бош бошқармаси адресига қимматли таклифлар, истаклар баён қилиниб келинади, яъни тўйларни маданий ўтказиш учун санъаткорларни сафарбар этишнинг бирон-бир ягона, оммабоп, қулайроқ, формасини ўйлаб кўриш таклиф қилиниб келинади. Афсуски, бу масала ҳамон натижасиз қолмоқда.

Шу кунларда кўча-кўйларда антиқа бир томошанинг гувохи бўляпмиз. Келин уйига боришда куёв навкарлар машиналардан колонна ясаб, унинг олдинги қаторига «Газик» машинасини қўядилар. Уни алвону гиламлар билан безайдилар. Карнайчию, сурнайчи, ноғорачию чилдирмачи ўтириб олиб, «така-так-тум», «Ғата-ғат-ға» деб шовқин-сурон кўтариб, на миллий анъанамизга, на замонамиз талабига мос келмайдиган аллақандай бир беўхшов одат билан бутун шаҳар кўчалари бўйлаб ўтадиган бўлишибди. Бу, энди, ҳозирги замонавий урф-одатларимизга бутунлай зид, янгича тўйларимиз обрўсини тўкиб юборадиган энг хунук одатдир!

Оилавий тантаналар, маросимларнинг яна бир неча хиллари борки, уларда ҳам шу йўсин дабдабабозлик, исрофгарчилик, манманлик каби эски иллатлар илашиб, ҳунук ва беўхшов оқибатларни келтириб чиқармоқда.

Тўй-тўйлаш яхши одат. Никоҳ тўйи, ўғил тўйи, йил тўйи, ҳовли тўйи ва қатор турли тўйларимиз бор. Лекин, ҳалигидай ҳашамдор тўйлар, ортиқча сарфу-харжлар, меъёрни билмаслик, манманлик каби ёмон одатлар ажойиб анъаналаримизга соя солмоқда, қурсандчилик ўрнига ҳафачилик келтирмоқда. Айрим сохта шуҳрат кетидан кувувчиларнинг ортиқча хатти-ҳаракатлари аксарият кўпчилик кишиларимизнинг дилини оғритяпти. Мана шу масалаларни ўйласам, ҳафа бўлиб кетаман. Ва анъаналаримизни безай олмайдиган, на софдил кишиларимиз кўнглига ўтириша олмайдиган, на замонамизга мос келмайдиган тўйлардаги меъёридан ташқари ҳаражатлар қилиш, ичкиликбозлик, пулвозлик, шуҳратпарастлик, дабдабабозликларни тугатиш вақти келмадимикан?

Ахир ичкилик аралашмаган тўй ёмон ўтади, деб ким айта олади. Қўша-қўша сарполарни ёки чин инсоний муҳаббатни ёшларимизнинг умрини безайдиган, уларни бахтиёр қиладиган нарса! Машина ясатиб, кўчама-кўча бақириб-чақириб юришлар, ҳуштаквозликлар, қийқириқвозликлар қаердан келиб қолди? Куда чақирувлардаги йигирма-ўттизталаб чопон кийдиришлар кимга керак! Қарздор афгор бўлиб орзу-ҳавас кўриб, тўй ўтгач йиллаб қарз узишдан қандай наф бор. Тоғора ташвишлари, тугун ташишларга эндиликда ҳожат қолмади. Ортиқча совға-саломлар, той етаклашлар ўрнига тўй қилаётган кишининг оилавий эҳтиёжига зарур бўлган буюмлар олиб борилса максадга мувофиқ бўларди.

Ана шу муҳим масалалар ҳақида бош қотириш вақти аллақачон етиб келди. Эндиликда шаҳар ва қишлоқларимизда янгича «қизил тўйлар», «комсомол тўйлари» ўтаётгани яхши. Ана шу тўйларга маҳалла активлари, оксоқоллар, хотин-кизлар советлари, район партия ва совет ташкилотларининг масъул ходимлари, қишлоқ жамоат ташкилотлари, яхши урф-одатларни жорий этиш кенгашлари, бригада советлари аралашаётгани учун ҳам яхши ўтаётибди. Лекин, шундай яхши ташаббуслар айрим жойларда қўллаб-қувватланмаяпти. Бизни шу масала ўйлатиб қўйяпти.

Фаровонлик рамзи бўлган янгича тўйлар кенг жамоатчиликнинг ишидир. Шундай экан, тўйларнинг яхши ё ёмон ўтиши худди шуларга боғлиқ. Азиз ғазетхон ўрток лар, бу мақолани мен бир мунозара тарзида ёздим. Янгича тўйлар ҳақида илгарилари ҳам жуда кўплаб фикр-мулоҳазалар айтилган. Орзу-ўйлар баён қилинган. Келинг, энди, қурук гап-сўздан амалий ишга ўтайлик. Ҳаётимиз кўрки, халкимизнинг ажойиб анъаналаридан бири бўлган янгича тўйларимизни шундай ўтказайликки, чиндан ҳам у гиргиттимизни безасин, кишиларимизга ҳар доим хушнудлик, бахт-саодат бахш этаверсин. Сиз нима дейсиз?

САМАРҚАНД районидаги Даштакиболо қишлоқ касалхонасининг бош врачи Музаффара Абдуллаевани ҳамма ҳурмат билан тилга олади. Суратда: М. Абдуллаева иш устида. А. Кузьменко фотоси, (ЎзТАГ).

4 ИЮЛЬ — Галла ўрим-йиғими

Республика областларида ғалла ўрим-йиғими ва дон тайёрлашнинг борыши тўғрисида

МАЪЛУМОТ

	1 - стун	2 - стун	3 - стун	4 - стун	5 - стун	6 - стун
Андижон	—	8700	100	63	188	—
Фарғона	75	4136	84.4	—	283	—
Сирдарё	2744	151882	82.9	571	43338	105,7
Қашқадарё	5486	222346	77,5	864	59972	124,9
Самарқанд	8994	276669	74,7	1896	52416	90,4
Наманган	242	7423	72,8	—	413	—
Сурхондарё	791	37753	61,7	181	8332	104,1
Бухоро	242	6614	61,2	—	1383	—
Тошкент	1909	50133	54,4	722	8345	75,9
Республика бўйича:	20483	765656	74,4	4297	174670	105,2

1 - стун — бир кунда ўрилган майдон (гектар ҳисобида); 2 - стун — мавсум бошидан буён (гектар ҳисобида); 3 - стун — планнинг бажарилиш процанти, 4 - стун — бир кунда тайёрланган дон (тонна ҳисобида). 5 - стун — мавсум бошидан буён (тонна ҳисобида), 6 - стун планнинг бажарилиш процанти.

ТЕКИНХЎРЛАРГА ШАФҚАТ ЙЎҚ!

ЖАМОАТЧИЛИК ҲУКМИ

Оржоникидзе районидаги «Қибрай» қизил чойхонасида очиқ суд бўлди.

...Бу ерга Матқобулов, Улуғбек қишлоқлари ва Қибрай посёлкасида яшовчи колхозчилар, боғбонлар, бинокорлар. Ўқитувчилар йиғилишди. Ўртада қорамол ва қўй-эчкиларни ўғирлаш билан шуғулланган Василий Алифёровнинг ҳамтовоқлари Николай Нестеров, Рихситилла Хусанов билан бирга Бозорбой Рўзибоев, Турғун Нишонов кабилар бошларини қуйи солиб ўтиришибди.

— Бор-йўғи олти мартаба кишиларнинг қўй-эчкиларини ўғирладик, — дейди Алифёров. Энг охирги ўғирлик шу йил 18 апрелдан 19 апрелга ўтар кечаси юз берди. Шу куни Николай Нестеров уйимга ўзи миниб юрган давлат машинаси билан келди-да, мени ўзи билан бирга олиб чиқиб кетди. Йўлда кетаётиб, иккаламиз гапни бир жойга қўйдик. Оржоникидзе район СоюзНИХИнинг 5-бригадасида яшовчи бир кишининг сигир-бузоғини ўғирлаб, машинага босиб олиб кетдик. Уни Дўрмон сельпосининг Қодрия станциясидаги ошхона филиалининг мудири Тургун Нишоновга 350 сўмга сотдик.

Савол-жавоб давомида шу нарса маълум бўлдики, чайновчи Т. Нишонов Алифёров ва Нестеровлар ўғирлаб келтирган қора молларни қиммат баҳода қайта сотиб юборганлиги маълум бўлди. Шунингдек, Калинин район «XXI Партсъезд» совхозида яшовчи Б. Рўзибоев ҳам улар келтирган қорамолларни гумдон қилиб турган.

Ҳуллас республика шаҳар ва қишлоқларида бу текинхўрларнинг қадами етмаган жой қолмади. Еттисой районидаги «Қизил Юлдуз» совхозининг ишчиси Ширимқуловнинг бир қўйи, Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозининг аъзоси Н. Малиевнинг иккита бузоғи, Чимкент область Сариёғоч далаларида ўтлаб юрган икки қўй ана шуларга «ем» бўлди. Йўқ, халол меҳнат эвазига топилган халқ мулкини ҳазм қилиша олмади. Бугун улар халқ олдида жавоб беришга мажбур бўлмоқдалар.

А. ШАЙХОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — Тошкент кўрсатади. Рус тилида: 10.00 — Кинофильм, 10.30 — Ўқувчилар учун ашиттириш. 10.50 — «Қўл тубидаги ҳазина» (бадиий фильм). Узбек тилида: 12.05 — «Кувноқ минутлар», 12.45 — Кинофильм. Рус тилида: 17.00 — Мультфильм, 17.10 — «АХБОРОТ», 17.40 — Фильм-концерт, 18.15 — «Алвидо Гулсари» (бадиий фильм). Узбек тилида: 19.45 — «ЕШЛИК» студияси кўрсатади: «ОТАЛАР СЎЗИ — АҚЛНИНГ КЎЗИ», 20.35 — Сувчи — ғўзани яшнатувчи, 20.55 — «ХУШВАҚТ БЎЛИНГ» (такрорий кўрсатув), 21.35 — «АХБОРОТ», 22.05 — СССР халқ артистласи Ханифа Мавлонова куйлайди.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

12.00 — Тошкент. Ўқув кўрсатувлари, 12.00 — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 — Фрунзе кўрсатувлари, 21.30 — «Алвастилар дараси» (бадиий фильм).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Елканлар бўлса... — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун). «МОСКВА» (кундуз соат 2, кеч 8 ва 9.40 минутда). «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат, 6, 8 да).

Қора лола — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун). «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2, 4 кеч 10 да).

Яшасин севги! — САНЪАТ САРОЙИ. «ЧАЙКА». «СПУТНИК», НАВОИЙ номли. «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Катта рокировка — «МОСКВА» (кундуз соат 12, 4, кеч 6 да).

Саргузашт изловчилар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9, ва 10.40 минутда бошланади)

Елканлар бўлса... — «ФЕСТИВАЛЬ».

Яшасин севги! — «ХИВА».

Кашмирдаги севги — ТЕЛЬМАН номли.

Озод туғилган — «РАКЕТА».

«УЗБЕККОНСЕРТ» Свердлов номли Концерт залида

8, 9, 11, 12 ИЮЛДА

ҲИНД АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

ПРОГРАММАДА — ҳинд музика ва рақслари.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ОВЛАСТЬ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН КИЛАДИ

катта ўқитувчилар (фан кандидатлари): рус тили, математика, немис тили, жисмоний тарбия, спесиф ихтисод (ўзбек тилида).

Конкурс муддати — 1 августгача.

Ҳужжатлар: Тошкент область, Ангрен шаҳар (янги), 48 квартал, 1 «а» уй адреси бўйича юборилсин.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИНИНГ ФАБРИКА-ЗАВОД ШОГИРДЛИГИ МАКТАБИ

қуйидаги ҳунарларга ўргатиш учун 15 дан 20 ёшгача бўлган 7-10 синф қажмида маълумотли

ҚИЗЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

йигирувчи, тўқувчи, тўғриловчи, ўровчи, налавачи ва таровчи.

Ўқиш муддати — бир йилдан 15 ойгача. Қизлар ўзбек ва рус группаларига қабул қилинадилар.

Ўқувчилар бепул овқат, ётоқхона, стипендия ва мустақил равишда ишбай ишга ўтгунча кийим-бош билан таъминланадилар

Комбинат ҳузурида ишчи-ёшлар мактаби, кечки тўқимачилик техникуми мавжуд.

Илғор ишчилар корхона томонидан (корхона ҳисобига) тўқимачилик институтининг кундузги бўлимига юборилади.

Улуғ Ватан уруши инвалидларининг болалари, етимлар, болалар уйида тарбияланганлар ўқишни тугатгунча давлат ҳисобида (таъминотида) турадилар.

Кирувчилар: паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, турар жойидан ва оила аъзолари кўрсатилган ҳамда кимнинг қарамоғида туриши ҳақида справкалар, 3Х4 сантиметр ҳажмдаги 4 дона фотосурат топширадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, ГСП. Фрунзе район, Стаханов кўчаси 46-уй (2, 3, 6, 18, 23, 26, 54, 56-автобуслар, 2, 6, 13-троллейбуслар, 7, 9, 11, 14-трамвайлар нинг «Сонгородок» бекати.

Шўрли мамлакатларда

ИШСИЗЛИК «МАРКАЗЛАРИ»

ВАШИНГТОН, 3 июль. (ТАСС). АҚШда биргина июнь ойининг ўзида 1,3 миллион киши ишдан маҳрум бўлди. Шундай қилиб, мамлакатда ишсизлар сони 4,7 миллион кишига етди. Негр аҳолиси орасидаги ишсизлар процанти оқ танли аҳоли орасидаги ишсизлар процентидан хали ҳам икки баравар кўп.

Меҳнат министрлигининг меҳнат статистикаси бюроси эълон қилган маълумотлардан кўриниб турибдики, шаҳар районларида ишсизлик ўсиб бораётганлиги айниқса кўпроқ сезилмоқда. Июнь ойида яна тўрт шаҳар — Бруктон (Массачаметс штати), Жерси-Сити (Нью-Жерси штати) ва Висконсин штатидаги икки шаҳар — «ишсизлар процанти анча кўп «бўлган» районлар составига киритиб қўйилди. Ҳозир АҚШда бундай шаҳарлар 20 тага етди.

БИРЛИККА ДАЪВАТ

ОТТАВА, 3 июль. (ТАСС). Канада Коммунистик партияси барча тараққийпарвар канадаликларга мурожаат қилиб, уларни Канада экономикасининг Америка монополияларидан мустақил бўлиш, мамлакатда ҳаммани иш билан таъминлаш, тинчлик сиёсатини ўтказишга эришиш учун биргаликда кураш олиб боришга чақирди. Бу хитобнома Канада Коммунистик партияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида қабул қилинди ва «Канадиен трибюн» газетасида босилиб чиқди. Хитобномада айтиладики, ишсизлар сони кўпайиб бормоқда. Нархлар тўхтовсиз кўтарилмоқда, реал иш ҳақи камайиб бормоқда.

ҲИНДИСТОН ДЕҲҚОНЛАРИНИНГ МУҲИМ ТАЛАБЛАРИ

ДЕҲЛИ, 3 июль. ТАСС мухбири В. Матяш хабар беради: Ҳиндистоннинг демократик жамоатчилиги ер учун, заминдорларнинг зўровонлигига қарши, кўп миллионли ҳинд деҳқонлари оммасининг турмуш шароитини яхшилаш учун кураш кунини кенг нишонлади. Ер учун кураш ҳаракати қатнашчиларидан юз минглаб кишилар Ҳиндистон Коммунистик партиясининг чақиририга жавобан Ғарбий Бенгалия, Бихар, Ражастхан, Уттар-Прадеш штатларининг шаҳарлари ва қишлоқлари кўчаларида намойиш ўтказдилар. Улар «Заминдорлар ер эгалиси системаси йўқолсин», «Ер — деҳқонларга!» деган шиорларни кўтариб чиқдилар. Заминдорларга қарши халқ намойишларида Ғарбий Бенгалиянинг ўзидагина ярим миллион нафардан кўпроқ деҳқон қатнашди.

Ҳинд қишлоқларида ер ислоҳоти тезроқ ўтказилсин ва заминдорларнинг ерлари камбағал деҳқонларга тақсимлаб берилсин деган талаблар билан Ғарбий Бенгалия ва Бихар пойтахтлари — Калькутта ва Патнада катта намойишлар бўлиб ўтди. Бир қанча жойларда заминдорлар ва уларнинг агентлари қилган ишвоблар натижасида қонли тўқнашувлар бўлди. Намойишчилар орасида ўлдирилган ва жароҳатлантирилганлар бор.

Ҳиндистон Коммунистик партиясининг раҳбарлари намойишчиларни хушёр бўлишга ва миллион-миллион ҳинд деҳқонларини ерга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум этаётган феодал реакциясининг барча қора ниятларини фош қилиб ташлашга чақирди.

ЎРИНЛАР АЛМАШГАНДА

Футбол

Пахтакорчилар мамлакат чемпионатининг навбатдаги 13-турида Оржоникидзенинг «Спартак» командаси меҳмони бўлишди. Қизғин футбол жангига айланган бу учрашувда олий группада биринчи марта куч синашаётган спартакчилар қурагини ерга тегизиш осон бўлмади. Ўйин кўпроқ меҳмонлар — футболчиларимиз устунлигида ўтган бўлсада, майдон эгалари мудофаасини ёриб ўтиш фақат сўнгги ҳал қилувчи дамлардагина насиб этди. Пахтакорчилар навбатдаги ҳужумда уюшқоқлик билан ҳаракат қилиб, спартакчилар дарвозасини ишғол этишга муваффақ бўлдилар. Бунда моҳир ҳужумчимиз Абдураимов усталик билан оширган тўпни Владимир Родионов нишонга йўллади.

Шундай қилиб «Пахтакор» сафар ўйинларида биринчи галабани қўлга киритди. Қимматли икки очко командани бир йўла икки погона юқори кўтарди. Эндиги вазифа галабага галаба улаш, қўлга киритилган ютуқ ва имкониятларни бой бермай, фақат олдинга интилишдан иборат. Ўйинчиларимиз шундай қилишсагина команда номига яраша тер тўккан ва Ўрта Осиёда олий группанинг ягона вакилига хос шуҳрат топган бўларди. Биринчи давра ўйинлари тугаб, довон ошадиган марра яқинлашмоқда. Редакциямизга келаётган кўплаб хатларда ўзбекистонлик муҳлислар билан бирга қардош тожикистонлик, қирғизистонлик ва қозоғистонлик футбол шинавандалари ҳам «Пахтакор»нинг даврани яхши натижалар билан якунлаши иштиёқида эканликлари ҳақида фикр билдиряпяпти.

Бу тур учрашувдан кейин ўйинлар жадвалига карвонбошилик қилиш. Ўтган йилги чемпионлар — пойтахт спартакчилари устидан эришилган галабадан (2:1) сўнг 19 очко тўплаган ЦСКА командасига насиб этди. «Динамо» (М) — «Динамо» (К) учрашувида москвиликлар устун келиб (1:0), иккинчи ўринга чиқишган бўлса, киевликлар учинчи ўринга тушиб қолишди. Қолган учрашувлар эса қуйидагича ўтди: «Нефтчи» — «Динамо» (Тб) — 1:0, «Зенит» — «Шахтер» — 3:2, СКА Р — «Заря», «Торпедо» (Кт) — «Арарат» — 0:0, «Черноморец» — «Динамо» (Мн) — 2:2.

Ўйинлар жадвалининг 13-турдан кейинги кўриниши:

КОМАНДАЛАР	Ў	Т	О
ЦСКА	13	23-7	19
«Динамо» М.	13	21-6	19
«Динамо» К.	13	16.9	18
«Динамо» Тб	13	19.8	17
СКА Р	13	10.6	16
«Торпедо» М	13	14-12	15
«Арарат»	13	11.9	15
«Нефтчи»	14	12.9	14
«Заря»	14	7-12	14
«Спартак» М.	13	18-13	13
«Торпедо» Кт	13	7-10	11
«Черноморец»	14	9.13	11
«Пахтакор»	13	8.23	10
«Динамо» Мн	13	11-16	9
«Зенит»	13	13.20	9
«Шахтер»	13	9.20	9
«Спартак» Ор	13	8-23	5

Ҳ. НОСИРОВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МИНИСТРЛИГИ ОЛИЙ ВА ЎРТА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА

1970–1971 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ҚАТНАБ ВА СИРТДАН ЎҚИШГА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ОЛИЙ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ КУНДУЗГИ БЎЛИМЛАРИГА

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

(Тошкент область, Оржоникидзе район, Яланғоч қишлоғи)

агрохимия ва тупроқшунослик, агрохимия, сабзавотчилик ва узумчилик, ўсимликлар ҳимояси, ипанчилик, ўрмончилик хўжалиги, иқтисод ва қишлоқ хўжалигини ташкил қилиш, қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби.

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

(Андижон область, Куйганёр қишлоғи)

агрономия, гидромелиорация, қишлоқ хўжалигини механизациялаш.

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

(Самарқанд шаҳар, К. Маркс кўчаси, 77 уй)

агрохимия, зоотехника, қорақўлчилик, ветеринария.

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳар, Учительская кўчаси, 39-уй)

машина ремонти технологияси ва уни ташкил қилиш, ер тузиш, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш, гидромелиорация, гидромелиоратив ишларни механизациялаш, гидротехник қурилиш.

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ

(Парашютний кўчаси, 17-уй)

қатнаб ўқиш: агрономия, ўсимликлар ҳимояси, ер тузиш, раҳбар кадрлар тайёрлаш бўлими: ташкилотчи-агроном;

сиртқи ўқиш: агрономия

АКАДЕМИК Р. Р. ШРЕДЕР НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК, ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ ТОШКЕНТ МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ТЕХНИКУМИ

(Тошкент область, Оржоникидзе район, Гулистон қишлоқ Совети)

қатнаб ўқиш мева-сабзавотчилик, ўрмончилик хўжалиги, қишлоқ хўжалигини механизациялаш.

ТОШКЕНТ ПАРРАНДАЧИЛИК ТЕХНИКУМИ

(Тошкент область, Оржоникидзе район, 8-почта бўлими)

қатнаб ўқиш: паррандачилик, чорвачиликни механизациялаш ва электрлаштириш.

ТОШКЕНТ ҲИСОБ-БУХГАЛТЕРИЯ ТЕХНИКУМИ

(Глинка кўчаси, 9-уй)

қатнаб ва сиртдан ўқиш: қишлоқ хўжалигини планлаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бухгалтерия ҳисоби.

БЎКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ТЕХНИКУМИ

(Тошкент область, Бўка районы)

қатнаб ўқиш: қишлоқ хўжалигини механизациялаш, автомашиналарга техника хизматини кўрсатиш ва ремонт қилиш.

СИРДАРЕ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ТЕХНИКУМИ

(Сирдарё область, «Малик» совхози)

қатнаб ва сиртдан ўқиш: қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш, раҳбар кадрларни тайёрлаш бўлими: техник-механик.

СУКАЧ НОМЛИ ҒАЛЛАОРОЛ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ

(Самарқанд область, Ғаллаорол станцияси, ламмикор деҳқончилик, илмий-текшириш институти)

қатнаб ўқиш: агрономия, қишлоқ хўжалигини механизациялаш.

ШЕРОБОД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ТЕХНИКУМИ

(Сурхондарё область, Гагарин район, «Комсомолобод» совхози)

қатнаб ўқиш: қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш.

ХИВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ

(Тозабоғ кўчаси, 2-уй)

қатнаб ўқиш: ветеринария, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бухгалтерия ҳисоби;

сиртқи ўқиш: қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бухгалтерия ҳисоби.

ФАРҒОНА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ

(Фарғона область, Охунбобоев район, «Ленинизм» колхози)

қатнаб ўқиш: агрономия, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бухгалтерия ҳисоби.

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ТЕХНИКУМИ

(Андижон область, Москва район, Холдевонбек қишлоғи)

қатнаб ўқиш: қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш, автомашиналарга техника хизматини кўрсатиш ва ремонт қилиш;

сиртдан ўқиш: қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш.

АНДИЖОН ҲИСОБ-БУХГАЛТЕРИЯ ТЕХНИКУМИ

(Нариманов кўчаси, 16-уй)

қатнаб ўқиш: қишлоқ хўжалигини планлаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бухгалтерия ҳисоби.

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМЛИ НАМАНГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ

(Пролетар кўчаси, 10-уй)

қатнаб ўқиш: агрономия, ипакчилик, ветеринария, зоотехника, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бухгалтерия ҳисоби, раҳбар кадрлар тайёрлаш бўлими: ташкилотчи-агроном;

сиртқи ўқиш: агрономия, ипакчилик, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бухгалтерия ҳисоби.

САМАРҚАНД ЗООВЕТЕРИНАРИЯ ТЕХНИКУМИ

(Возрождения кўчаси, 8-уй)

қатнаб ўқиш: ветеринария, зоотехника;

сиртқи ўқиш: зоотехника.

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ТЕХНИКУМИ

(Красноармейский кўчаси, 157-уй)

қатнаб ўқиш: қишлоқ хўжалигини механизациялаш, товаршунослик моддий-техника таъминоти ва мол сотиш, саноат ва граждан қурилиши;

сиртқи ўқиш: қишлоқ хўжалигини механизациялаш.

МИЧУРИН НОМЛИ САМАРҚАНД МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ТЕХНИКУМИ

(Октябрь кўчаси, 12-уй)

қатнаб ва сиртдан ўқиш: агрономия, мева-сабзавотчилик, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бухгалтерия ҳисоби.

БУХОРО ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ

(Ленин кўчаси, 282-уй)

қатнаб ўқиш: агрономия, зоотехника, ветеринария, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, ипакчилик;

сиртқи ўқиш: агрономия, зоотехника, қишлоқ хўжалигини механизациялаш.

ҚАРШИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ

(Индустриальний кўчаси, 130-уй)

қатнаб ўқиш: агрономия, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бухгалтерия ҳисоби, раҳбар кадрлар тайёрлаш бўлими: ташкилотчи-агроном.

К. АВЕЗОВ НОМИДАГИ СОВХОЗ ТЕХНИКУМИ

(Қорақалпоғистон АССР, Чимбой районы)

қатнаб ўқиш: қишлоқ хўжалигини механизациялаш.

«ЧИНОЗ» СОВХОЗ ТЕХНИКУМИ

(Тошкент область, Янгийўл район, Олмазор станцияси)

қатнаб ўқиш: қишлоқ хўжалигини механизациялаш, чорвачиликни механизациялаш ва электрлаштириш, ветеринария, зоотехника, раҳбар кадрлар тайёрлаш бўлими: ташкилотчи зоотехник.

сиртқи ўқиш: қишлоқ хўжалигини механизациялаш, зоотехника.

«ПАХТАОРОЛ» СОВХОЗ ТЕХНИКУМИ

(Сирдарё область, Ильич посёлкаси)

қатнаб ўқиш: агрономия, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, агрохимия, раҳбар кадрларни тайёрлаш бўлими: ташкилотчи-агроном;

сиртқи ўқиш: қишлоқ хўжалигини механизациялаш, агрохимия.

ҚЎҚОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ТЕХНИКУМИ

(М. Горький кўчаси, 28-«а» уй)

қатнаб ўқиш: қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш, саноат ва граждан қурилиши;

сиртқи ўқиш: қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш.

НУКУС ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ

(Қорақалпоғистон АССР, Нукус шаҳри)

қатнаб ўқиш: агрономия, ветеринария, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби;

сиртқи ўқиш: агрономия, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби.

«ШУМАНАЙ» СОВХОЗ ТЕХНИКУМИ

(Қорақалпоғистон АССР, Шуманай районы)

қатнаб ўқиш: қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш.

ТЎРТКЎЛ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ

(Қорақалпоғистон АССР, Тўрткўл шаҳар, Энгельс кўчаси)

қатнаб ўқиш: қишлоқ хўжалигини механизациялаш, раҳбар кадрлар тайёрлаш бўлими: техник-механик.

ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

Ўрта махсус ўқув юртларига СССР гражданлари бўлган йигит-қизлар қабул қилинади.

Кундузги ўқишга 30 ёшгача, сиртқи ўқишга ёшидан қатъи назар тўлиқсиз ўрта ва ўрта маълумотли кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган кишилар қабул қилинади.

КУНДУЗГИ БЎЛИМЛАРГА АРИЗАЛАР:

Қишлоқ хўжалик ўрта ўқув юртларининг 8-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар группасига 31 июлгача, ўрта маълумотга эга бўлганлар группасига 15 августгача қабул қилинади. Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА АРИЗАЛАР:

Қишлоқ хўжалик ўрта ўқув юртларига — 1 октябрдан 30 ноябргача, кириш имтиҳонлари 1 ноябрдан 14 декабргача қабул қилинади.

Қабул қилиш ҳақидаги ариза танланган мутахассисликни кўрсатган ҳолда ўрта махсус ўқув юртининг директори номига берилади.

Ариза билан қуйидаги ҳужжатлар бирга топширилади: Тўлиқсиз ўрта ёки ўрта мактабни битирганлиги ҳақидаги ҳужжат таржимаи ҳол, 286-медицина справкаси, 3 фотосурат (3 х 4 см).

8 синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари топширадилар, она тили (диктант), математика (оғзаки).

10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар эса: она тили ва адабиёт (иншо), математика (оғзаки);

Товаршунослик, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги мутахассисликлари бўйича: она тили ва адабиёт (иншо), химия (оғзаки).

Ҳарбий хизматни тугатиб қайтганлар (2 йил ичида), СССР ички ишлар министрлиги ва СССР Министрлар Совети қошидаги Давлат хавфсизлиги комитети органлари, қўшин ҳамда СССР Қуролли Кучлари офицерлари ва белгиланган муддатдан ортиқ хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар, ўрта мактабни олтин медаль билан тугатганлар ёки саккиз йиллик мактабни фахрий ёрлиқ билан битирганлар ариза ёзганларидан сўнг кириш имтиҳонисиз қабул қилинадилар.

Ўрта махсус таълим ўқув юртларига корхона, қурилиш, совхоз ва бошқа ташкилотлардан йўлланма билан келган, 1 йилдан кам бўлмаган иш стажи борлар кириш имтиҳонларидан қониқарли баҳо олсалар конкурссиз қабул қилинадилар.

Колхоз ва совхозларнинг раҳбар кадрларни тайёрлаш бўлимига хўжалик бошқармалари, фермалари, участкалари йўлланмаси билан мутахассислиги бўйича 3 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлган 35 ёшдан ошмаган кишилар қабул қилинади.

Ўрта маълумотлилар учун ўқиш муддати 2 йил, тўлиқсиз ўрта маълумотлилар учун 3 йил.

Раҳбар кадрлар тайёрлаш бўлимларига: колхоз ва совхозларнинг йўлланмалари билан келган шахсларга ўқиш даврида 100 сўмдан ошмаган миқдорда (стипендиясини қўшиб ҳисоблаганда) ҳақ тўланади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИ

ТОШКЕНТ ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

(Луначарский шоссе, Кольский переулок, 1-уй. Телефонлар 66-20-30, 66-15-12)

кундузги бўлим: гидромелиорация (гидротехниклар тайёрлайди), гидромелиорация ишларини механизациялаш (гидромелиорация ишларини механизациялаш бўйича техник-механиклар тайёрлайди, қурилишни планлаштириш бўйича техниклар тайёрлайди), сув хўжалиги системасида автомат ускуналарни эксплуатация қилиш;

сиртқи: гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаш.

САМАРҚАНД ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

(Самарқанд шаҳар, Рабочая кўчаси, 2-уй. Телефон 3-14-35)

кундузги бўлим: гидромелиорация, гидротехника қурилиши, саноат ва граждан қурилиши (техник-бинокорлар тайёрлайди);

кечки: саноат ва граждан қурилиши;

сиртқи: саноат ва граждан қурилиши, гидротехник қурилиши.

НУКУС ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

(Қорақалпоғистон АССР, Нукус шаҳар, Горький кўчаси, 179-уй. Телефон 33-37)

кундузги бўлим: гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаш;

сиртқи: гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаш.

АНДИЖОН ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

(Андижон область, Ленин районы, Русское қишлоғи, Советская кўчаси, 6-уй)

кундузги бўлим: гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаш.

сиртқи: гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаш.

СУРХОНДАРЁ ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

(Сурхондарё область, Шўрчи район, Қумқўрғон қишлоғи)

кундузги бўлим: гидромелиорация (гидротехниклар тайёрлайди) гидромелиорация ишларини механизациялаш (гидромелиорация ишларини механизациялаш бўйича техник-механиклар тайёрлайди);

сиртқи: гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаш.

УРГАНЧ ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

(Хоразм область, Урганч шаҳар, Шевченко кўчаси, 7-уй)

кундузги бўлим: гидромелиорация (техник-гидротехниклар тайёрлайди), гидромелиорация ишларини механизациялаш (гидромелиорация ишларини механизациялаш бўйича техник-механиклар тайёрлайди), гидротехника қурилиши;

кечки: гидромелиорация, гидротехника қурилиши;

сиртқи: гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаш, гидротехника қурилиши.

Гидромелиорация техникумларига 8—10-синфларни муваффақиятли тамомлаган 14—30 ёшли кишилар қабул қилинади.

Сиртқи бўлимга эса ёшидан қатъи назар кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган кишилар қабул қилинади.

Ўқиш муддати 3 йилу 10 ой.

Техникумга кирувчилар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонларини топширадилар: она тили (диктант), математика (оғзаки).

10—11-синф ҳажмида маълумоти бўлган ёшлар «Гидромелиорация» ва «Гидромелиорация ишларини механизациялаш» группаларига қабул қилинади ва қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонини топширадилар: она тили ва адабиёт (иншо), математика (оғзаки).

Ўқиш муддати 2 йилу 6 ой.

Кириш имтиҳонлари кундузги бўлимга 1 августдан 20 августгача ва сиртқи бўлимга 1 ноябрдан 14 декабргача ўтказилади.

Кундузги бўлимга кирувчилар техникум директори номига 31 июлгача (8 йиллик маълумотлилар учун), 15 августгача 10-11 синфни битирганлар учун, сиртқи бўлимга кирувчилар эса 1 октябрдан 30 ноябргача қуйидаги ҳужжатларни қўшиб ариза топширишлари керак: маълумоти тўғрисида гувоҳнома ёки етуклик аттестати (асл нусҳаси), автобиография, 3 та фотосурат (3Х4 см), соғлиғи тўғрисида (286-форма), иш жойидан, турар-жойидан справкалар, ишлаётганлар учун характеристика. Паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий хизматга чақирилиши тўғрисидаги гувоҳномалар шахсан кўрсатилади. Техникумга қабул қилинганлар умумий тартибда стипендия билан таъминланадилар.

«ЎЗБЕКБИРЛАШУВ»НИНГ САМАРҚАНД КООПЕРАТИВ ТЕХНИКУМИ

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникумга 30 ёшгача 8, 10 ва 11-синф ҳажмида маълумоти бўлган қишлоқда яшовчи ҳар икки жинс СССР гражданлари қабул қилинади.

ТОВАРШУНОСЛИК БЎЛИМИГА — саноат ва озиқ-овқат товарлари товаршунослиги, саноат товарлари савдосини ташкил этиш товаршунослиги, озиқ-овқат товарлари савдосини ташкил этиш товаршунослиги,

Ўқиш муддати 1 йилу 10 ой бўлиб, 10—11-синф маълумоти борлар қабул қилинади.

ТЕХНОЛОГИЯ БЎЛИМИГА — овқат тайёрлаш технологияси ихтисослиги бўйича, нон пиширш технологияси. Ҳар иккала ихтисосликда ҳам ўқиш муддати 10—11-синф маълумотлилар учун 2 ярим йил бўлиб, 8 синф маълумотлилар учун 3 ярим йил.

ПЛАНЛАШТИРИШ БЎЛИМИ — совет савдосини планлаштириш ихтисослиги бўйича мутахассислар тайёрлайди.

БУХГАЛТЕРЛИК БЎЛИМИ — бухгалтерия ҳисоби ихтисослиги бўйича мутахассислар тайёрлайди.

Ўқиш муддатлари 1 йилу 10 ой бўлиб, 10—11-синф маълумотлилар кабул қилинади.

КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ФАНЛАРДАН ИМТИҲОН ТОПШИРАДИЛАР:

Товаршунослик ва технология бўлимларига кирувчилар **ўзбек ёки рус тили ва адабиётидан** (диктант ёки иншо), химиядан оғзаки.

Бухгалтерия ёки планлаштириш бўлимларига кирувчилар **ўзбек ва рус тили адабиётидан** (диктант ёки иншо) ва **математикадан** оғзаки.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза (бўлимини кўрсатиб), маълумоти тўғрисида шаҳодатнома ёки аттестат, таржимаи ҳол, 3 та фотосурат (3 х 4 см катталикда), соғлиғи ҳақида справка (форма 286), турар-жойидан справка.

Имтиҳонлар 1 августдан 20 августгача давом этади.

Бир ойлик стипендия ҳамма бўлим ва курсларда 20 сўм.

Бошқа жойдан келганлар учун ётоқхона ва ошхона мавжуд.

Адрес: Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 43.

ТОШКЕНТ ТАЯНЧ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА: агрономия, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ер тузилиши мутахассислиги бўйича;

СИРТҚИ БЎЛИМГА фақат агрономия мутахассислиги бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кундузги бўлимга 30 ёшгача ва сиртқи бўлимга ёшидан қатъи назар тўлиқсиз ўрта ва тўлиқ ўрта маълумотли йигит ва қизлар қабул қилинади.

Кундузги бўлимда ўқиш муддати 3 ярим ва 2 ярим йил Техникум қошида «агрономташкилотчи» — мутахассислари тайёрлаш махсус бўлими бўлиб, бу бўлимга колхоз, совхоз йўлланмаси билан, шу мутахассислик бўйича камида 3 йил ишлаган 35 ёшдан ошмаган гражданлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати 2 йил ва 3 йил.

Махсус курсда ўқувчи студентлар давлат томонидан белгиланган миқёсда стипендия билан таъминланадилар.

Уларнинг асосий иш жойларидан ўртача иш ҳақи стипендия билан биргаликда 100 сўмдан ошмаган ҳолда сақланади.

Техникумга кириш учун директор номига ёзилган ариза га қуйидаги ҳужжатлар кўшиб топширилади: маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), таржимаи ҳол, медицина справкаси (286 форма), 3 та фотосурат (3Х4), паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Аризалар тўлиқсиз ўрта маълумотлилардан — 31 июлгача; ўрта маълумотлилардан 15 августгача; кириш имтиҳонлари 1 дан 20 августгача;

Сиртқи бўлимга аризалар 1 октябрдан 30 ноябргача, кириш имтиҳонлари 1 ноябрдан 14 декабргача ўтказилади.

Тўлиқсиз ўрта маълумотлилар ўзбек тили ёки рус тили (диктант), математика (оғзаки), ер тузилиши бўлимига кирувчилар тўлиқ ўрта маълумотлилар ўзбек ёки рус тили (иншо), математика (оғзаки) агрономия, ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлимларига кирувчилар: ўзбек тили ёки рус тили (иншо), химия (оғзаки)дан имтиҳон топширадилар.

Техникумни тамомлаганлар танланган асосий касбдан ташқари қўшимча тракторчи, пахта териш машинаси ҳайдовчиси, ҳаваскор шоферлик ҳунарларини ҳам ўрганадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри-31, Парашютная кўчаси, 17-уй.

№ Г. — 156. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Р. 04204.